

ФУҚАРОЛИК ИНСТИТУТИНИ ХУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА КАТЕГОРИЯЛАР

Нуриддин Абдуллаев

Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти мустақил
изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18044975>

Бугунги кунда халқаро стандартлар шахсинг табиий ва фуқаролик ҳуқуқларини самарали кафолатлашни бирламчи вазифа сифатида назарда тутлади. Ҳар бир давлат фуқароликка қабул қилиш ва уни бекор қилиш масалаларини ички қонунчилигида белгиланган тартибда ҳал этади. Бу эса, қонун нормаларини ишлаб чиқишда халқаро-ҳуқуқий меъёрлар талабларини ҳам инobatга олиш лозимлигини англатади.

Илмий назария шахс ҳуқуқий ҳолати тизимида фуқаролик институти билан боғлиқ «филиация», «натурализация», «оптация», «экспатриация», «реинтеграция», «национализация» каби категориялар қўлланилишини кўрсатади¹.

Мазкур тушунчалардан «филиация» ҳамда «натурализация» фуқароликка қабул қилишнинг мазмун-моҳиятини ифодаловчи асосий атамалар ҳисобланади. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда ушбу тушунчаларнинг ҳеч бири халқаро (умум) қабул қилинган шаклда миллий қонунчилигимизда ўз аксини топмаган. Бироқ бу миллий ҳуқуқ нормалари ўзида мазкур атамалар мазмунини ифодаламайди дегани эмас. Шу нуқтаи назардан, халқаро меъёрларда назарда тутилган фуқаролик билан боғлиқ категорияларнинг моҳиятини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Қуйида уларнинг айримларини таҳлил қилиб кўрамиз:

«Филиация» – латинча («filialis») ва инглизча («filiation») ² сўзлардан олинган бўлиб, фуқароликка қабул қилишнинг энг кенг тарқалган усули ҳисобланади. Мазкур усул фуқароликни шахсинг туғилиши натижасида тақдим этишни назарда тутлади.

Филиация асосан икки принцип асосида: «тупроқ ҳуқуқи» («jus soli») ва «қон ҳуқуқи» («jus sanguinis») асосида татбиқ этилади, баъзи давлатлар қонунчилиги аралаш тизимни ҳам белгилаши мумкин³.

Илмий адабиётлар таҳлили фуқароликка қабул қилишнинг муҳим усули сифатида филиациянинг қуйидаги ўзига хос белгилари мавжудлигини кўрсатади:

биринчидан, филиация фуқаролик ҳуқуқини қўлга киритишнинг бирламчи ва асосий усули ҳисобланади;

иккинчидан, дунёнинг аксарият мамлакатларида фуқароликни туғилиш асосида қўлга киритади;

учинчидан, филиация – фуқаролик пайдо бўлишининг табиий усули бўлиб, физиологик жиҳатдан инсон иродасидан мустақил равишда юзага келади⁴;

1 Боярс Ю.Р. Вопросы гражданства в международном праве. Монография. – М.: Международные отношения, 1986. – С. 10–31.

2 Тихомирова Л.В., Тихомиров М.Ю. Юридическая энциклопедия / Под общ. ред. М.Ю. Тихомирова. 5-е изд., доп. и перераб., М.: 2002. – С. 908.

3 Лучина В.О., Василевич Г.А., Прудникова А.С. Конституционное право зарубежных стран: учебник для студентов вузов. 2-е изд. перераб. и доп. – М.: Закон и право, 2011. – С. 106.

4 Чичерин Б.Н. Общее государственное право. М., 2006. – С. 206.

тўртинчидан, филиация шахнинг ташаббуси ва розилигини талаб этмайди. У давлатнинг амалдаги қонунчилиги асосида автомат тарзда юзага келади⁵.

Кўришиб турибдики, фуқароликка қабул қилишнинг ушбу усули «натурализация»дан, юридик муносабатлардан мустақил равишда (давлат томонидан алоҳида қарор қабул қилинишини кутмасдан) юзага келади. Таҳлил қилинаётган институтнинг энг муҳим хусусияти ҳам шунда.

«Тупроқ ҳуқуқи» («*jus soli*», шахсий ҳуқуқ деб ҳам юритилади) принципи – филиациянинг алоҳида шакли бўлиб, маълум бир давлат ҳудудида туғилган фарзанд шу мамлакатнинг фуқароси ҳисобланади ва индивиднинг ҳуқуқий ҳолати - ота-онасининг фуқаролигига боғлиқ бўлмайди. Бу англо-америка ҳуқуқ тизимига хос хусусият бўлиб, Лотин Америкасининг кўпчилик давлатлари (Аргентина, Куба, Мексика, Бразилия⁶) шу принципга асосланади. Кўриб чиқиладиган принцип 1961 йилги «Дипломатик алоқалар тўғрисида»ги Вена конвенцияси талабларига кўра хорижий дипломат ва консулларнинг болаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

«Қон ҳуқуқи» («*jus sanguinis*») принципига кўра, маълум бир давлатнинг фуқароларидан туғилган фарзанднинг фуқаролиги унинг ота-онасининг фуқаролиги билан белгиланади ва туғилган жойига боғлиқ бўлмайди. Европанинг кўпгина мамлакатлари (хусусан, Франция, Германия, Италия) шунингдек Ўзбекистон Республикасида ҳам шу принципга риоя этилади⁷.

Шу билан бирга, кўпгина хорижий давлатларда фуқаролик олишнинг «аралаш принципи» қўлланилиб, бунда «тупроқ ҳуқуқи» ва «қон ҳуқуқи» принциплари биргаликда қўлланилади. Хусусан, АҚШ қонунчилигига асосан, мамлакат ҳудудида туғилган фарзанд ҳам, хорижий давлатларда АҚШ фуқароларидан туғилган фарзанд ҳам давлат фуқароси сифатида тан олинади.

«Натурализация (лотинча («*naturalis*» рус олимлари томонидан «табийий» сўзи маъносини берувчи «природный, естественный, натуральный» каби терминларга ҳам қиёсланган)⁸, инглизча («*naturalization*») – тарихан фуқароларнинг табийий ҳуқуқларга эга бўлиши)⁹– фуқароликка эга бўлишнинг яна бир муҳим усули бўлиб, фуқаролиги йўқ шахслар ва бошқа давлат фуқароларининг ихтиёрий равишда фуқаролик олиш жараёнидир. Мазкур жараёнларда фуқаролик олиш учун номзоднинг давлат томонидан белгиланган бир қатор шартларга жавоб бериши (давлат тилини билиши, унинг ҳудудида муайян муддат яшаган бўлиши ва ҳ.к.) талаб этилади.

Натурализация тартибида фуқароликка қабул қилиш турли шартларда амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистонда қуйидаги ҳолатлар фуқароликка қабул қилишнинг ушбу шаклини назарда тутади:

- 1) чет эл фуқаролари ва фуқаролиги йўқ шахсларнинг аризасига асосан;

⁵ Овсепян Ж.И. Филиация и натурализация как ключевые категории конституционно-процессуального института возникновения и прекращения гражданства // Северо-Кавказский юридический вестник. – 2009. – № 2. – С. 37.

⁶ Боярс Ю.Р. Вопросы гражданства в международном праве. М., 1986. – С. 10.

⁷ Международное публичное право: Учебник / Отв. ред. Х.Т. Адилкариев. – И.: Zarqalam, ТГЮИ, ЦИПЧГП, 2003. – С. 150.

⁸ Конституционное право России. Словарь / Отв. ред. В.В. Маклаков. М., 2001. – С. 277.

⁹ Энциклопедия юриста // URL: https://dic.academic.ru/dic.nsf/enc_law/1326/

2) чет эл фуқароси бўлган ва фуқаролиги йўқ боланинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан фарзандликка олиниши натижасида¹⁰.

«*Оптация* (лотинча «optatio» – хоҳиш, танлов)»¹¹ – бу шахсларнинг фуқароликни танлаш бўйича ҳуқуқлари бўлиб, икки фуқароликка эга бўлган шахсларнинг давлат ҳудудининг ўзгариши, шунингдек давлатлар ўртасида ҳудудий масалаларга оид шартномалар ва битимларнинг тузилиши натижасида давлат чегараларининг ўзгариши билан боғлиқ ўзгарадиган фуқароликдир.

Бунда, давлатларнинг парчаланиши ёки бирлашуви натижасида янги давлат(лар) пайдо бўлиши; (масалан, собиқ СССРнинг тарқаб кетиши) бир давлат ҳудудининг халқаро шартномаларга мувофиқ, бошқа бир давлат юрисдикциясига берилиши натижасида мазкур ҳудудда яшовчи аҳолининг оптация ҳуқуқи вужудга келади¹².

Масалан, 1957 йилда Францияда ўтказилган референдум яқунлари бўйича, давлат ҳудуди ҳисобланган Саар вилоятининг Германия ҳудудига ўтиши натижасида ҳудуд аҳолисига фуқароликни танлаш бўйича оптация ҳуқуқи берилган. Унга асосан, аҳолига уч ойлик муддат ичида Франция фуқаролигида қолиш ёки Германия фуқаролигини қабул қилиш бўйича қарор қабул қилиш ва бу ҳақда тегишли ариза билан мурожаат қилиш талаб этилган¹³.

«*Трансферт* (лотинча («transfero»), французча («transfert»), – ўтказмоқ, кўчирмоқ)» бу – давлат ҳудуди бир қисмининг бошқа давлат ихтиёрига ўтиши натижасида ҳудудда яшовчи аҳолининг бошқа бир давлат фуқаролигига ўтишидир¹⁴. Бунда, оптациядан фарқли равишда, аҳолига фуқароликни танлаш ҳуқуқи берилмайди ва бир давлатдан бошқасига ўтаётган ҳудуд аҳолиси шунга мувофиқ тарзда, бир фуқароликдан бошқасига ўтади.

Хусусан, 1922-1923 йилларда имзоланган Лозанно шартномасига асосан Греция ва Туркия давлатлари ўртасида фуқаролар трансферти амалга оширилган. Бу ҳолат амалиётда камдан кам учрайди¹⁵.

«*Репатриация* (лотинча («repatriate») – ватанга қайтиш)» бу муайян бир сабабларга кўра доимий яшаш манзилларидан чиқиб кетган шахсларни умумий тартибда доимий яшаш жойларига қайтарилишлари натижасида фуқароликка эга бўлишдир¹⁶.

Жумладан, уруш тугаганидан сўнг давлатлар барча ҳарбий асирларни махсус келишувлар асосида тарихий ватанларига қайтарилишини назарда тутди. Хусусан, Исроил, Венгрия ва бир қатор Европа давлатлари «*қон ҳуқуқи*» асосида мамлакат

10 Юлдашев Дж.Х. Фуқаролик институти шахсларнинг субъектив ҳуқуқлари кафолати сифатида: Монография. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2021. – 84 б.

11 Юридический словарь // URL: <https://dic.academic.ru/dic.nsf/lower/16739>.

12 Одилқориев Х.Т., Очиллов Б.Э. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи: Дарслик. – Т.: ЖИДУ, 2002. – Б. 125–126.

13 Лучина В.О., Василевич Г.А., Прудникова А.С. Конституционное право зарубежных стран: учебник для студентов вузов. 2-е изд. перераб. и доп. – М.: Закон и право, 2011. – С. 106.

14 Толковый словарь общенаучных терминов. Н.Е. Яценко. 1999 // URL: http://slovarnik.ru/html_tsot/t/transfert-transfer.html.

15 Трансферт-Википедия // URL: <https://ru.wikipedia.org/wiki/Трансферт>.

16 Репатриация-Википедия // URL: <https://ru.wikipedia.org/wiki/Репатриация>.

ташқарисидаги барча давлатларда яшовчи ватандошларини ўз фуқаролари сифатида эътироф этишган¹⁷.

«*Реинтеграция* (лотинча («re» – олдинги ҳолат ва «integratio» – тиклаш, тўлдирмоқ)» бу дастлабки фуқароликни тиклаш деган маънони англатади¹⁸. Бугунги кунда, амалиётда фуқароликни реинтеграция тартибида қабул қилиш амалиёти кам кузатилади. Ҳозирда фақатгина, қоида тариқасида реинтеграция жараёнида соддалаштирилган тартибда фуқароликни бериш тартиби қўлланилмоқда. Хусусан, Россия Федерацияси Президентининг 2006 йил 22 июндаги 637-сон ҳамда 2012 йил 14 сентябрдаги «Хорижда яшовчи ватандошларни ихтиёрий равишда Россия Федерациясига кўчиришга ёрдам кўрсатиш бўйича давлат дастури тўғрисида»ги Фармонларига асосан, собиқ Иттифоқ парчаланган сўнг Россиядан ташқарида қолган ва унинг фуқаролигини қабул қилиш истагида бўлган шахсларга фуқаролик берилишини назарда тутди.

Фуқароликни олишнинг яна бир усули «ҳадя» шаклида унга эга бўлиш бўлиб, давлат олдидаги алоҳида хизматлари эвазига берилади. Масалан, 2013 йилда Россия Федерацияси Президенти В.Путин томонидан Франция фуқароси Жерар Депардьеге рус маданиятига қўшган ҳиссаси учун Россия фуқаролиги тақдим этилган.

Фуқаролик муносабатларини тартибга солиш ҳар бир давлатнинг ўзига хос сиёсати ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Бироқ шу билан бирга шахс ҳуқуқий мақомини белгилаш амалиётида ривожланган давлатларнинг илғор тажрибаларини, халқаро стандартлар ва меъёрларни инобатга олиш муҳим аҳамият касб этади.

Финляндия халқаро «Numbeo» ахборот агентлигининг маълумотларига кўра¹⁹, 2019 йилда ҳаёт даражаси (аҳолининг турмуш тарзи) бўйича дунёда учинчи ўринни эгаллаган. Ушбу давлатнинг миллий паспорти фуқарога 175 та давлатга эркин ҳаракатланиш ҳуқуқини тақдим этган ҳолда, дунё рейтингда (Франция, Италия, Испания, Буюк Британия билан бир қаторда) учинчи ўринни эгаллаган (биринчи ўринда Германия, иккинчи ўринда Швеция)²⁰. Мазкур ҳолат Финляндия фуқаролигини олишга бўлган хоҳишни юзага келтириши табиий.

Кўриб чиқиладиган масалаларни тартибга солувчи миллий норматив базада Финляндия Конституцияси (11.07.1999) ва Фуқаролик тўғрисидаги қонун (16.05.2003) муҳим аҳамият касб этади. Қонунга мувофиқ фуқаролик олиш асослари қуйидагилар ҳисобланади:

- а) «қон ҳуқуқи» принципи ёки фарзандликка олиш асосида;
- б) туғилиш (жойи) бўйича; в) ота-она никоҳи асосида; г) «натурализация» (фуқароликка қабул қилиш); д) аризага мувофиқ (алоҳида тоифадаги шахслар учун)²¹.

17 Лучина В.О., Василевич Г.А., Прудникова А.С. Конституционное право зарубежных стран: учебник для студентов вузов. 2-е изд. перераб. и доп. – М.: Закон и право, 2011. – С. 106.

18 Юридический словарь // URL: <https://dic.academic.ru/dic.nsf/lower/17909>

19 Quality of Life Index on 2019 // URL: https://www.numbeo.com/quality-of-life/country_result.jsp?country=Finland.

20 Рейтинг гражданства и паспортов стран мира // URL: <https://vnz.su/global-citizenship/passportsand-citizenships-rating/>.

21 Гуйдалаев Ш.М. Особенности приобретения гражданства в Финляндии // «Интернаука»: научный журнал – 2019. № 44(126). С. 7.

Келтирилган фуқаролик олиш асослари фин қонунчилигининг миллий қонунчилигимиздан биров фарқланувчи жиҳатларга эга эканлигини яққол кўрсатади. Чунки унда «қон ҳуқуқи» (ота-она фуқаролигига қараб) ва «тупроқ ҳуқуқи» (туғилиш (жойи) бўйича) принциплари асосида фуқаролик белгилашда дифференциал ёндашув мавжуд бўлиб, бу турдаги фуқаролик олиш асослари ўртасидаги чегара аниқ изоҳланган.

Қиёслайдиган бўлсак, 2020 йил 13 мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги ЎРҚ-610-сон Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ, миллий қонунчилигимиз тор доирадаги (фақатгина чет эл фуқароси ёки фуқаролиги йўқ шахс ҳисобланган ватандошларга) шахсларга соддалаштирилган тартибда фуқаролик беришни назарда тутди.

Умуман олганда юқорида келтирилган фуқаролик олиш борасидаги илмий таклифларнинг миллий қонунчилигимизда ўз аксини топиши фуқароликка доир ишларни юритиш самарадорлигини ошириши билан бирга, қонун нормаларидаги мавжуд ҳуқуқий бўшлиқларнинг бартараф этилишига хизмат қилади.

Фуқаролик олиш асослари ва шартлари МДХ давлатларида турлича белгиланган. Фуқароликни олиш шартлари, биринчи навбатда, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги йўқ шахсларга, шунингдек фуқаролик олиш ҳуқуқига эга бўлса-да, турли сабабларга кўра ушбу ҳуқуқидан фойдаланмаган (жумладан, собиқ Иттифоқ паспорти билан яшаётган) шахсларга нисбатан қўлланилади. МДХ давлатларининг қонунчилигида фуқаролик олиш усуллари (йўллари) сифатида қуйидагилар назарда тутилган:

фуқароликни (ёки унга мансубликни) тан олиш (Арманистон (9-моддаси 1-қисми), Молдова (10-моддаси 1-қисми) ҳамда Украина (6-моддаси 1-қисми)); *туғилганлик бўйича* (барча МДХ давлатларида);

регистрация (рўйхатга олиш) тартибида (Беларусь (12-моддаси 1-қисми));

фуқароликка қабул қилиш «натурализация» асосида (барча МДХ давлатларида);

фуқароликка тиклаш асосида (Арманистон (9-моддаси 1-қисми), Қирғизистон (11-моддаси 1-қисми), Литва (13-моддаси 1-қисми), Молдова (10-моддаси 1-қисми), Россия (11-моддаси 1-қисми), Тожикистон (12-моддаси 1-қисми), Туркманистон (10-моддаси 1-қисми), Украина (6-моддаси 1-қисми), Ўзбекистон (13-моддаси 1-қисми));

давлат чегараларнинг ўзгариши натижасида фуқароликни танлаш (оптация) асосида (Россия (21-моддаси), Тожикистон (12-моддаси), Украина (6-моддаси));

фарзандликка олиш асосида (Молдова, Украина, Ўзбекистон);

оталик ёхуд оналикни белгилаш ёки тан олиш асосида (Украина);

қонунда назарда тутилган бошқа асослар бўйича (Молдова, Тожикистон, Украинадан ташқари барча МДХ давлатларида);

халқаро шартномаларда белгиланган асослар бўйича (барча МДХ давлатларида (Тожикистондан ташқари)).

Кўриниб турибдики, ҳар бир давлат ўз фуқаролигини олиш асосларини турлича белгилаган. Бу албатта, давлатнинг ўзига хос сиёсати, миллий қонунчилиги ва шарт-шароитлари билан бевосита боғлиқ.